

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

КУШАЕВ УМИДЖОН РАХИМОВИЧ

ЖАҲОН ДИНЛАРИДА
БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

07.00.04. – Диншунослик

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

**Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора наук (DSc) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences
(DSc) on philosophical sciences**

Кушаев Умиджон Рахимович

Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги..... 3

Кушаев Умиджон Рахимович

Гармоничность идей толерантности в мировых религиях..... 39

Kushaev Umidjon

Harmonicity of the Ideas of Tolerance in World Religions..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 75

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

КУШАЕВ УМИДЖОН РАХИМОВИЧ

ЖАҲОН ДИНЛАРИДА
БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

07.00.04. – Диншунослик

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2017.1.DSc/Fal3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ислом университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг www.tiu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Абдусамедов Анвар Эшонхонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Атамуратов Садулла
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ислом университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 рақамли илмий Кенгашнинг «___» «_____» 2017 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: tiuxab@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент ислом университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

А.А.Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

С.С.Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро, миллатлараро, конфессиялараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан жамият ҳаётига бағрикенглик тамойилларининг самарали жорий этилишига бевосита боғлиқ. Зеро, сўнгги йилларда дунёда диний омил билан боғлиқ равишда турли йўналишлардаги жараёнлар авж олиб бормоқда. Кўп ҳолларда мураккаб ва зиддиятли, баъзида эса қонли тўқнашувлар билан кечаётган бундай воқеа-ҳодисалар турли дин вакиллари ўртасида тоқат, ҳурмат, эътибор ва умуман ҳамкорлик руҳидаги алоқаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш объектив тарихий зарурият эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабдан ҳам «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат» мамлакатимизда стратегик вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ минбаридан Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилди. «Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган»¹.

Мустақиллик йилларида халқимизга хос бўлган кўп асрлик тарихга эга бағрикенглик анъаналари барқарор давом этмоқда. Мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллат, элат ва дин вакилларига ўз маданияти ва тилини ривожлантириш, динига эмин-эркин эътиқод қилиш учун яратилган барча зарур ижтимоий-маданий, сиёсий-ҳуқуқий шароитлар, динлараро мулоқот ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган республика ва халқаро миқёсда ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Виждон эркинлиги конституциявий тамойилини амалга жорий этиш йўлида яратилган зарур ташкилий ва ҳуқуқий асослар мамлакатимизда диний таълим тизими, рўйхатдан ўтган барча диний ташкилотлар фаолияти, шунингдек, соғлом диний маърифатни ривожлантириш йўлидаги тизимли чора-тадбирларнинг самарадорлигини таъминламоқда. Бироқ замон тараққиёти ҳозирда жамият аъзоларида бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг назарий ва амалий асосларини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Чунки глобаллашув шароитида турли маданият ва динлар, хусусан, жаҳон динлари — буддавийлик, христианлик, ислом дини вакиллари ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқалар интенсивлашиб, чуқурлашиб бормоқда.

Дин ниқоби остида содир этилаётган деструктив хатти-ҳаракатлар эса динлараро ҳамжиҳатликка, табиийки салбий таъсир этмоқда. Бундай ҳолат турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий ишлар самарадорлигига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // «Халқ сўзи», 2017 йил 20 сентябрь.

путур етказмоқда. Бу ўз навбатида жаҳон динлари ўртасидаги муносабатлар характери аниқлаш, миллий ва маданий фарқларнинг ижтимоий муносабатларда тутган ўрни, сиёсий бағрикенглик билан боғлиқ масалалар таҳлили, фуқаролик жамияти шароитида жинсий майлларига кўра озчиликни ташкил этган одамларга нисбатан ёндашув каби муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (1998), «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Президент Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизация марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон Қарори ҳамда мавзуга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертацияда илгари сурилган ғоялар ва назарий-методологик ёндашувлар № А-1-054 – «Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва геосиёсий аҳамияти, ёшларда диний бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг йўллари ва воситалари» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган илмий-амалий вазифалар билан узвий боғлиқ ва уларни амалга оширишда кенг қўлланилган (2012-2014 йй.).

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Бағрикенглик ва жаҳон динлари таълимотларининг турли жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган илмий изланишлар турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, жаҳондаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари, жумладан, ЮНЕСКО, Лос-Анджелес Бағрикенглик музейи (Simon Wiesenthal Center Museum of Tolerance. АҚШ, Лос-Анджелес), Бағрикенглик таълими маркази (Tolerance Education Center. АҚШ), Диний бағрикенглик маркази (Center for religious tolerance. АҚШ, Флорида, Сарасота шаҳри), Болалар бағрикенглик маркази (The Kidsbridge Tolerance Center. АҚШ, Нью-Джерси), Принстон университети динларни ўрганиш маркази (The Center for the Study of Religion. АҚШ, Нью-Джерси, Принстон), Марказий Европа университети қошидаги динларни ўрганиш Маркази (Center for Religious Studies The Central European University. Венгрия, Будапешт), Холокост ва Бағрикенглик маркази (Hong Kong Holocaust and Tolerance Centre – НКНТС. Гонконг), Новоуральск марказий оммавий кутубхонаси (Публичная библиотека Новоуральского городского округа.

Россия, Свердловск вилояти, Новоуральск шаҳри) каби илмий тадқиқот марказлари ва муассасалари фаолиятдан кенг ўрин эгаллаган².

Бағрикенглик феноменининг ижтимоий-маданий моҳияти ва амалий аҳамиятини очиб бериш бўйича жаҳон миқёсида, жумладан қуйидаги илмий хулосалар олинган ва амалий чора-тадбирлар қўлланилган: «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»да ўз аксини топган ғояларни жаҳон миқёсида кенг ёйишга қаратилган «эркаклар ва аёллар онгига тинчлик ғоясини сингдириш», «барқарор ривожланиш манфаатларида таълим» каби халқаро илмий ва амалий тадбирлар, гуманизм, мулоқот ва ўзаро ҳурмат ғояларини кенг ёйишга қаратилган ахборот, мултимедиа воситалари, даврий нашрлар, турли тилларда чоп этилган илмий, илмий-оммабоп китоблардан иборат самарали маданий-маърифий йўллари ишлаб чиқилган (UNESCO); XX асрда аҳоли турли гуруҳларини таҳқирлашга қарши, фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш, миллий белгига кўра инсонларни оммавий қирғин қилиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ирқчилик, геноцед, камситиш ва таҳқирлаш каби оқибатлари исботланган (Simon Wiesenthal Center Museum of Tolerance); таълим тизими барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик элементларининг ўқувчиларда ўзаро ҳурмат, тушуниш, тоқатлилик, эътиборлилик каби инсоний фазилатларни камол топтиришдаги ўрни очиб берилган (Tolerance Education Center); Холокост фожеасини келтириб чиқарган омиллар ва уларнинг оғир оқибатлари ҳақидаги тарихий ҳужжатлар мазмуни бутун Осиё бўйлаб тарғибот қилинган (Hong Kong Holocaust and Tolerance Centre); турли дин, маданият ва миллат вакиллари яқинлаштириш, тинчликпарварлик миссияларида аёллар ва болаларнинг иштирокларини кучайтиришга доир амалий хулосалар ишлаб чиқилган (Center for religious tolerance); болалар ва ёшларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини танитиш, маданий хилма-хиллик шароитида уларнинг ижтимоий малакаларини ошириш бўйича таҳлиллар ҳамда болалар саломатлиги ва озиқланиши, базавий таълим ва гендер тенгликни таъминлашга қаратилган тадбирлар ўтказилган, бола ҳуқуқлари мониторинги марказлари фаолияти йўлга қўйилган (The Kidsbridge Tolerance Center); диншунослик бўйича билимларнинг қиёсий таҳлилинини олиб боришга доир мувофиқлаштирувчи концепциялар илгари сурилган (Center for Religious Studies The Central European University); динлар тўғрисидаги назарий қарашларни тармоқлараро интеграциясини ўқитувчи ва талабалар иштирокида таъминлашга қаратилган креатив ўқув дастурлар яратилган (The Center for the Study of Religion); бағрикенглик ва гуманизм ғоялари тарғиботи, тоқатсизлик, душманлик, ксенофобия, зўрлик ва экстремизмга қарши курашга қаратилган илмий-амалий анжуманлар ўтказилган, китоб нашри каби маърифий тарғибот йўллари ва воситалари жорий этилган (Центр толерантности. Публичная библиотека Новоуральского городского округа).

² <http://en.unesco.org/>; <http://www.museumoftolerance.com/site/c.tmL6KfNVLtH/b.9052747/k.BEE4/Home.htm>; <https://www.toleranceeducationcenter.org/>; <http://www.c-r-t.org/>; <http://kidsbridgecenter.org/>; <http://csr.princeton.edu/>; <https://religion.ceu.edu/>; <http://www.holocaustremembrance.com/itfdirectory/organization/s/how/3697>; <http://www.publiclibrary.ru/readers/about/dep-ct.htm>.

Эндиликда жаҳон динлари ўртасидаги ўзаро мулоқотни ривожлантириш, ижтимоий бағрикенгликнинг турли шакллари ва даражаларини аниқлаш билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос талқинлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Бу эса бағрикенглик муаммосига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини ва унинг ижтимоий-гуманитар фанларнинг асосий мавзуларидан бирига айланганини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бағрикенглик жамият ҳаётининг барча соҳалари ва кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча даража ва шаклларига тааллуқли бўлиб, қадим даврлардан буён олимлар илмий ижодининг асосий мавзуларидан бирини ташкил этади. Жумладан, Уйғониш даври инглиз файласуфи Джон Локк (1632-1704), француз маърифатпарварчилигининг йирик вакилларида бири Ф.Вольтер (1694-1778) ҳамда немис мумтоз фалсафа мактабининг намояндаси И.Кант (1724–1804) асарларидаги ғоялар алоҳида аҳамият касб этади³.

Бағрикенгликни ахлоқий мажбурият ва масъулият тарзида талқин этишга бағишланган илмий тадқиқотлар қаторида В.В. Глебкин, ижтимоий жараёнлар динамикасига таъсири, маданий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашда тутган ўрни таҳлил қилинган А.Очилдиев, М.Хажиева, А.Ҳасановларнинг тадқиқотлари, хорижлик Т.Х.Керимов, М.П.Мчедлов, М.Уолцер, С.В.Хамутовская, В.В.Форсова каби олимларнинг илмий ишлари мавжуд⁴. Бағрикенгликнинг турли жиҳатлари фалсафий таҳлил қилинган диссертация ишлари республикамізда Э.Г.Каримова ҳамда хорижлик олимлар - В.М.Золотухин, Н.В.Кругловаларнинг докторлик диссертация ишларида амалга оширилган⁵.

Замонавий буддолог олим ва мутахассислардан республикамізда Ғ.Н.Низомиддинов, шунингдек, Л.Леонтьева, А.Пятигорский, Е.А.Торчинов, К.Эррикер каби хорижлик олимларнинг илмий нашрларини санаш мумкин⁶.

³ Локк Дж. Послание о веротерпимости /Локк Дж. Собр. соч. В 3-х т. Т. 3. – М., 1988.; Вольтер Ф. Философские трактаты и диалоги. — М.: Изд-во Эксмо, 2005. – 432 с.; Кант И. Критика чистого разума. – М.: «Эксмо», 2006. – 160 с.

⁴ Глебкин В.В. На пути к толерантному сознанию. – М.: Смысл, 2000. – 255 с.; Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 146 б.; Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. / Масъул мух. А.Очилдиев. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа бирлашмаси, 2007. – 132 б.; Хажиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 128 б.; Ҳасанов А. Ўзбекистон – анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: 2001.; Керимов Т.Х. Проблемы толерантности и социальная гетерология. // Толерантность и политсубъектная социальность. – Екатеринбург, 2001. – С. 24-27.; Толерантность / Общ. ред. М. П. Мчедлова. – М.: Республика, 2004. – 416 с.; Уолцер М. О терпимости. – М.: Идея – Пресс. Дом интеллектуальной книги, 2000. – 160 с.; Хамутовская С. В. Политическая толерантность: концептуализация понятия // Социологический альманах. 2012, № 3. – С. 223-229.; Форсова В.В. О религиозных корнях толерантности // Социологические исследования. – 2004. - №. 1. – С. 59-60.

⁵ Каримова Э.Г. Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятлари социологик ўрганиш. Фалс. фан. номз. дисс. автореф. – Т.: 2003. – 24 б.; Золотухин В.М. Толерантность как проблема философской антропологии. Автореф. дисс. ... уч. ст. докт. филос. наук. – Кемерово, 2005. – 44 с.; Круглова Н.В. Толерантность как социокультурная норма (западноевропейский опыт). Автореф. дисс. ... уч. ст. докт. филос. наук. – Санкт-Петербург, 2011. – 46 с.

⁶ Низомиддинов Н.Ғ. Қадимги Ҳиндистон тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. – 460 б.; Низомиддинов Н.Ғ. Қадимги Хитой тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. – 384 б.; Леонтьева Л. Путеводитель по буддизму. Иллюстрированная энциклопедия. – М.: Эксмо, 2012. – 285 с.; Пятигорский А. Введение в изучение буддийской философии (девятнадцать семинаров). — М.: Новое литературное обозрение, 2007. – 275 с.; Торчинов Е.А. Философия буддизма

Христианлик дини, унинг йирик йўналишларидаги фалсафий масалаларнинг таҳлилига бағишланган диний, илмий-маърифий таҳлиллар Н.В.Балашов, Bellah Robert N., И.Мейендорф, И.Г.Шарков, Л.А.Швачкина, каби диншунос олимлар томонидан амалга оширилган⁷.

Ислом дини таълимотининг илмий, фалсафий шарҳлари ҳамда бағрикенглик тамойиллари каби масалаларнинг таҳлилига бағишланган мамлакатимиз олимлари қаторида З.Исломов, К.Комилов, Н.Юсупова, И.Р.Хўжамуродов ва Ю.М.Якубов⁸, хорижлик олимлар орасида Абдель Мухсин, Н.В.Жданов, Q.Young, А.Газали, Л.Р.Сюкияйнен, К.Юсуф кабиларнинг илмий ишларини санаш мумкин⁹.

Буддавийлик, христианлик ва ислом динларининг муқаддас манбалари и китоблари, уларнинг теологик ва илмий шарҳлари диссертация мавзусини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутди¹⁰.

Шундай бўлса-да, жаҳон динлари таълимотларида бағрикенгликнинг замонавий талқинига мантиқан мувофиқ бўлган ўзаро уйғун ғояларнинг фалсафий таҳлил этишга бағишланган алоҳида, яхлит ҳолда махсус тадқиқот амалга оширилмаганини қайд этиш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан

Махаяны. – СПб. «Петербургское Востоковедение», 2002. – 320 с.; Эррикер К. Буддизм. / Пер. с англ. Л. Бесковой. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 304 с.

⁷ Балашов Н. В., прот. И сотворил Бог мужчину и женщину: Комментарии к основам Социальной концепции Русской православной церкви. – М., 2001. – С. 52.; Bellah Robert N. Flaws in the Protestant Code. Some Religious Sources of America's Troubles // Ethical Perspectives. 7 (2000) 4. P. 292.; Мейендорф И. Брак в православии. – М.: Путь, 2001. – 78 с.; Швачкина Л. А. Христианская гуманность и практика милосердия // Власть. – 2010. – №. 12.; Шарков И. Г. Философские аспекты осмысления христианской благотворительности // Инновации в науке. – 2012. – №. 9. – С. 48-56.

⁸ Буюк алломаларимиз / Масъул муҳаррир: З.Исломов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2002. – 28 б.; Комилов К. Глобаллашув ва диний жараёнлар. – Тошкент: «Мовароуннахр», 2014. – 128 б.; Хўжамуродов И.Р., Якубов Ю.М. Ислом: жамият ва шахс. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – 89 б.; Юсупова Н. Ислом ҳуқуқига кўра оилавий муносабатларда мулкӣ масалалар. – Тошкент: «Movarounnahr», 2011. – 66 б.

⁹ Абдалла бин Абдель Мухсин ат-Турки. Указ. соч. С. 47.; Жданов Н.В. Исламская концепция миропорядка. Международно-правовые, экономические и гуманитарные аспекты. – М., 1991. – С. 193-199; Young Q. The Near East: Society & Culture. – p. 163-164.; Нравственность мусульманина / Шейх Мухаммад Аль-Газали; [пер. с араб. Рустомова Айдеря Иса-огълы] Киев: Ансар Фаундейшн, 2005.; Права человека в исламе: перевод с сокращениями / Мухаммад Аль-Газали. – М.: Андалус, 2006. – 94 с.; Сюкияйнен Л.Р. Исламская концепция прав человека: теоретические основы, тенденции и перспективы развития // Права человека: итоги века, тенденции, перспективы. – М., 2002.; Юсуф К. Дозволенное и запретное в Исламе / Юсуф Кардави // Казань: Идел-Пресс. – 2011. – С. 46.

¹⁰ Дхаммапада / перевод с пали, введение и комментарии В. Н. Топорова. – М.: Издательство восточной литературы, 1960. – С. 309.; Дхаммапада. Стихи и Притчи (перевод с англ. М. Бобро). – Харьков: «Ритм-Плюс», 2010.; Сутта-Нипата. Сборник бесед и поучений. Буддийская каноническая книга. – М.: Алетея, 2001. – 74 с.; Его Святейшество Далай-Лама. Буддийская практика: путь к жизни, полной смысла / Перев. с английского А.Капаназе. – К.: «София», 2003; М.: ИД «София», 2003. – 11 с.; Муқаддас Китоб. Инжил, Тавротдан «Ибтидо» ва Забур // Инжил / Иккинчи тузатилган нашр. – Стокгольм: Библияни таржима қилиш институти, 1993. – 528 б.; Муқаддас Китоб – Янги Аҳд. – Тошкент: Ўзбекистон Библия жамияти, 2013. – 646 б.; Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети; таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2014. – 624 б.; Имом Муҳиддин Закарийе ибн Шараф Нававий. Қирқ ҳадис (шарҳ ва изоҳлар). / Таржимон Отабек Ғайбуллоҳ. – Тошкент: «Мовароуннахр», 2005. – 54 б.; Ал-Бухорий Мухаммад ибн Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад. Сайланма / Тузувчилар: З.Исломов, А.Абдуллаев. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 11 б.; Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент ислом университети Исломунослик илмий-тадқиқот маркази № А-1-054 – «Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва геосиёсий аҳамияти, ёшларда диний бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг йўллари ва воситалари» (2012-2014 йй.) номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган илмий-амалий тадқиқотлар, шунингдек, Тошкент ислом университети Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш бўйича ЮНЕСКО кафедрасида режага мувофиқ олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар мазмунига мувофиқдир.

Тадқиқотнинг мақсади жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги билан боғлиқ концептуал фикр-мулоҳазалар асосида бағрикенгликнинг ижтимоий-маданий моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш ҳамда муаммонинг ечимига қаратилган чоратadbирларни такомиллаштириш бўйича илмий хулоса ва таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«бағрикенглик» ва унга манتيқан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг генезиси ҳамда талқинлари хилма-хиллигининг сабабларини аниқлаш асосида уларнинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган таърифлар ишлаб чиқиш;

бағрикенгликнинг намоён бўлиш шакллари ва даражалари, уларнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятларини аниқлаш;

диний бағрикенглик ва динлараро тоқатлилиқ ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатиш, бу борада мавжуд методологик зиддиятларга нисбатан концептуал ёндашув ишлаб чиқиш ва қўллаш;

буддавийлик шаклланиши ва ривожланишининг маънавий-ахлоқий асосларини тарихий макон ва замон нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, буддавийлик фалсафаси фундаментал ғояларининг бағрикенглик мазмунини очиб бериш;

Замонавий буддавийлик амалиётидаги устувор бағрикенглик тамойиллар моҳиятини очиб бериш;

христианлик динининг ижтимоий-фалсафий асослари ва ахлоқий ғоялари ҳамда уларнинг турли йўналишларидаги талқинларини қиёслаш;

христианлик таълимотида ижтимоий масалалар бўйича кўрсатма ва йўл-йўриқларнинг тарихий шарт-шароитлари ҳамда замонавий изоҳларининг бағрикенглик моҳиятини аниқлаш;

христианлик мафкурасида инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликларига оид замонавий қарашларни демократия ва бағрикенглик мезони асосида очиб бериш;

ислом дини фундаментал ғояларининг эзгу ва бунёдкор моҳиятини илмий-фалсафий асослашга хизмат қиладиган тезислар ишлаб чиқиш;

ислом динида ўзга динга нисбатан тоқатли ва бағрикенг муносабатларнинг тарихий, маданий, минтақавий ва ахлоқий хусусиятларини кўрсатиш;

ҳозирги даврда мусулмон ва бошқа дин вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатлик алоқалари ҳамда мустақил Ўзбекистонда бағрикенглик анъаналарининг миллий-маданий омилларини фалсафий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти жаҳон динлари таълимотидаги бағрикенгликка доир ғоялардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети жамият ҳаёти соҳалари, ижтимоий субъектлар ўзаро муносабатлари даражалари, жаҳон динларининг муқаддас манбалари, динлараро мулоқот, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни акс эттирган воқеа-ҳодисалар, реал воқелик кўринишлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг услубий асосини илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги, умумий алоқадорлик, ворислик, мантиқийлик, тизимлилик, креативлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашув контекстида бағрикенгликка доир «тоқатлилик», «мулоқот», «ўзаро ҳурмат», «ҳамжиҳатлик», «муроса» ва шу каби тушунча ва атамаларнинг назарий-методологик асосларини мустаҳкамлаш, бағрикенглик ғоялари эволюциясидаги устувор анъаналар ва инновацион қарашларнинг ҳаётий амалий аҳамиятини очиб беришга қаратилган ёндашувлар такомиллаштирилган;

Ўзбекистонда тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган турли миллат ва дин вакиллари ўртасидаги мулоқот ва ҳамжиҳатликнинг жамиятимиз барқарорлигига ижобий таъсирини аниқлашга қаратилган социологик сўров ва тадқиқотларнинг методологик жиҳатлари «хилма-хилликдаги бирлик» илмий тамойили нуқтаи назаридан такомиллаштирилган;

Ўзбекистонда динлараро ва миллатлараро тинчлик ва тотувликни таъминлаш, конфессиялараро мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган назарий-методологик ёндашувлар «доимий эътибор», «фаол хайрихоҳлик» каби бағрикенглик мезонларига мувофиқ равишда такомиллаштирилган;

диний бағрикенглик, дўстлик, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик билан боғлиқ бағрикенглик тамойиллари ёш авлодда тоқатлилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик маданиятини шакллантириш йўлидаги замонавий маънавий тарғибот тизимидаги долзарб ахлоқий қоидалар (бағрикенг инсон, яқин қўшничилик) сифатида асосланган;

жаҳон динлари таълимотидаги маънавий-ахлоқий ғояларнинг турли халқлар маданияти ривожланишига ижобий таъсирини бағрикенглик парадигмасига мувофиқ асослаш, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари диний заминларининг маънавий-маърифий мазмунини очиб беришга қаратилган назарий қарашлар (ахлоқий мезон, инсон ва жамият камолоти) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Диссертацияда илгари сурилган назарий хулосалар ва амалий таклифлардан конфессиялараро ҳамжиҳатлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамият турли қатламлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик маданиятини юксалтириш,

диний ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро мулоқот жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертациядаги назарий умумлашмалардан «Диншунослик», «Дунё динлари тарихи», «Дин фалсафаси», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитиш жараёнида ҳам истифода мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, хулосаларнинг бевосита тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазибаларнинг ечимидан келиб чиқиб шакллантирилганлиги, амалга оширилган назарий-методологик таҳлилга таянган ҳолда бағрикенгликка доир тушунча ва атамалар мажмуи яхлит энциклопедик шаклда ифодалангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг назарий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосаларнинг бағрикенглик фалсафаси ҳамда жаҳон динларини қиёсий ўрганиш билан боғлиқ фан тармоқларида олиб борилаётган тадқиқот ишларини илмий-назарий, услубий нуқтаи назардан бойитишда муайян манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда баён этилган мулоҳазалар, таҳлилий натижалар, назарий хулосалар ва амалий таклифлардан бағрикенглик, динлараро мулоқот ва ҳамкорлик, динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати каби масалаларга доир ўқув-услубий материаллар ва қўлланмалар тайёрлашда, инновацион ўқув-педагогик фаолиятда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бағрикенглик ғояларини жаҳон динлари таълимотларида акс этиш хусусиятларига бағишланган илмий тадқиқот ишининг натижалари асосида:

бағрикенглик, диний бағрикенгликнинг замонавий талқинлари бўйича илгари сурилган назарий фикр ва ёндашувлар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан «Аҳолининг диний эътиқоди», «Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий фаоллик, маънавият, келажак режалари» мавзуларида анъанавий ўтказиб бориладиган социологик тадқиқот ва сўров методологиясини такомиллаштиришда қўлланилган (24.10.2017. 01-16/365 сонли далолатнома). Диссертацияда ўз ифодасини топган таъриф ва илмий умумлашмалардан фойдаланиш диний бағрикенглик, диний тоқатлилик, конфессиялараро ҳамжихатликка доир социологик сўровлар ижтимоий аспектларини кенгроқ қамраб олиш имконини берган;

диний бағрикенгликка доир назарий фикр ва амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси» «Маънавий-маърифий ишлар бўлими» фаолиятида 2017 йилда ўтказилган «Ўзбекистон мустақиллиги – миллатлараро муносабатлар ривожига янги давр» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциялари

дастурларини ишлаб чиқиш, анжуманлар ишларини ташкил этиш ва бажаришда; кўмитанинг «2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларини белгилаш ва уларни бажариш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш каби йўналишларда қўлланилган (06.11.2017. 03-08/781 сонли маълумотнома). Таклиф ва тавсияларнинг қўлланилиши мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бағрикенглик моҳиятини талқин этиш бўйича методологик қараш ва амалий таклифлар Тошкент давлат шарқшунослик институти «Шарқ фалсафаси ва маданияти» таълим йўналиши учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда, ҳужжатнинг Шарқ халқлари маданиятида диний омилнинг ўрнини очиқ беришга қаратилган қисмини шакллантиришда қўлланилган (08.11.2016 – 65-01/2023 сонли далолатнома). Таклифларнинг қўлланилиши фалсафий таълим тизмида бағрикенглик ғоялари ўрнининг мустаҳкамланишига хизмат қилган;

назарий фикр ва амалий таклифлар Тошкент ислом университети бакалавриат босқичи талабалари учун «Ахборот истеъмоли маданияти» танлов курсини жорий этишда қўлланилган (27.12.2016. 01-1285 далолатнома). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши талаба ёшларда эзгу ва бузғунчи ғояларни фарқлаш малакасини оширишга хизмат қилган.

назарий-методологик фикр-мулоҳазалар ва таклифлар Пенза давлат технологик университети (Россия Федерацияси) психология ва педагогика кафедраси томонидан ташкил этилган «Толерантность» талабалар тўғараги илмий-тадқиқот ишларининг мавзуй режаларини тузиш ҳамда университетнинг хорижий талабалар билан ишлаш бўлими фаолиятини такомиллаштиришда қўлланилган (30.11.2016 - 8908/07-10-01 сонли далолатнома). Назарий фикр ва хулосаларнинг қўлланилиши ўсиб келаётган ёш авлодда тоқатлилик ва бағрикенглик маданиятини шакллантиришга қаратилган таълим ва тарбия технологияларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 15 та, жумладан, «Диншунослик фанининг методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2014), «Peoples of Eurasia. History, culture and interaction problems» (Прага, 2014), «The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect» (Прага, 2014), «Социальная онтология в структурах теоретического знания» (Россия, Ижевск, 2014), «Modern philosophic paradigms interrelation of traditions and innovative approaches» (Прага, 2014), «Наука о религии в XXI веке: традиционные методы и новые парадигмы» (Санкт-Петербург, 2014), «Динлараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги кафолати» (Тошкент, 2014), «Modern philosophic paradigms: interrelation of traditions and innovative approaches» (Прага, 2015), «Роль женщины в истории, обществе, политике и

науке» (Санкт-Петербург, 2015), «Психолого-социальная работа в современном обществе: проблемы и решения» (Санкт-Петербург, 2015), «The culture of tolerance in a context of globalization: methodology of research, reality and prospect» (Прага, 2015), «Глобаллашув ва миллий-маънавий тараққиёт тенденциялари» (Тошкент, 2015), «Философия. Толерантность. Глобализация. Восток и Запад – диалог мировоззрений» (Россия, Башкирстан, Уфа, 2015), «Modern philosophic paradigms: interrelation of traditions and innovative approaches» (Прага, 2015), «The culture of tolerance in a context of globalization: methodology of research, reality and prospect» (Прага, 2015) каби мавзуларда халқаро ва республика миқёсидаги ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш эълон қилинган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 7 та миллий журналларда ва 6 та халқаро журналларда chop этилган илмий мақола, илмий-амалий анжуманларда 18 та тезис ҳамда 1 та энциклопедик луғат ва 2 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация «Кириш», 4 боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» каби қисмларни ўз ичига олган 271 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Бағрикенглик моҳиятини тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари»** деб номланган. Бобнинг **«Бағрикенглик» тушунчаси: генезис, талқинлар ва мазмун»** деб номланган биринчи параграфда бағрикенгликни ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини тадқиқ этишга қаратилган назарий тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ўз аксини топган. Замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида «бағрикенглик» тушунчасининг мазмунини аниқлашга бағишланган тадқиқотлар кўпайиб бормоқда. БМТнинг фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКО томонидан 1995 йил ноябрь ойида «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»нинг қабул қилиниши ҳамда шу йилни дунё миқёсида «Халқаро бағрикенглик йили» деб эълон қилиниши бағрикенглик билан боғлиқ масалаларга бағишланган йирик илмий ишларнинг ривожланиши учун ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилди.

Бағрикенглик турли контекстларда, кўп ҳолларда мазмунан бир-бирига зид бўлган мулоҳазалар орқали тушунтирилмоқда. Бағрикенгликнинг моҳиятига нисбатан қўлланиладиган ёндашувларнинг таҳлилидан маълум бўлади-ки, мазкур тушунчанинг мазмуни бўйича олим ва тадқиқотчилар орасида яқдиллик мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирда унинг моҳиятини тадқиқ этишга қаратилган бир нечта замонавий илмий йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, шартли равишда, бағрикенглик феноменининг мазмунига очиқ беришга қаратилган рационал, қадриятли ҳамда субъектив ёндашувлар шаклланганини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Гносеологик нуқтаи назардан қараганда «бағрикенглик»нинг мазмуни бошқа тушунчалар, масалан, «нозўравонлик»нинг мазмуни билан қиёсий таҳлил қилинади. Бунга кўра, бағрикенглик нозўравонликка қиёсан олиб қаралганда мазмунан кенг тушунчадир. Зеро, бағрикенглик нафақат зиддиятларни шунчаки бартараф этишни, балки уларни ижтимоий ва индивидуал онгни ўзаро муносабатлар барча иштирокчиларининг манфаатларини максимал инобатга олган ҳолда ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорлик сари йўналтириш орқали бартараф этишни назарда тутди. Айни пайтда, бағрикенглик муқаррар равишда бефарқ муносабатдан воз кечиш, алоқага киришишга ҳаракат қилиш, шунингдек, ёши, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, жинси, миллати, тили, дини ва бошқа маданий белгиларига

кўра фарқланадиган инсонга нисбатан такаббурлик ҳиссини енгиб ўтишни тақозо этади.

Алоҳида олинган субъектнинг қарашлари, тасаввурлари ва билимлари чекланган, такомиллаштиришга муҳтож. Шу маънода, бағрикенглик ўзгача, тўлиқроқ ва аниқроқ қарашларнинг мавжудлигини тан олиш, изланаётган ҳақиқий ва чин билимларга бошқалар эга бўлиши мумкинлигини назарда тутишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, бағрикенглик ўз қарашларини ҳақиқат сифатида қадрлайдиган киши ва ижтимоий гуруҳларнинг кўплигини тан олишни англатади, жамият ҳаётига нисбатан қадриятли ёндашув ва мўлжалларнинг турли-туман ва ранг-баранглиги ҳақидаги плюралистик ғояга таянади.

Замонавий жамиятда бағрикенглик мазмун ва шакл жиҳатдан ўзгариб, унинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Шу билан боғлиқ равишда бағрикенгликни тоқатлилик билан айнанлаштириш, мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, улар ўзаро мазмунан яқин тушунчалар бўлса-да, тоқатлилик ўзгалар борлиғига нисбатан чидам, бардош, сабр ва тоқат билан муносабат бўлишнигина англатади.

Маълум бир халқ учун бағрикенглик асосан очиклик, беғаразлик, тушуниш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик каби маъноларни англатса, бошқа халқ учун, энг аввало, масалан, кечиримлилик, тоқатлилик, сабр қилиш, қабул қилиш, тушунишга интилиш каби муносабатларда ўз аксини топадиган ҳатти-ҳаракатларни англатади. Шу маънода, бағрикенглик комплекс мазмунга эга тушунча бўлиб, **ижтимоий гуруҳ, халқ, миллат, давлат ва ижтимоий муносабатлар тизимининг бошқа субъектлари ўртасидаги эътибор, ҳурмат, дўстлик, муҳаббат, ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик, тенглик, адолат ва тоқатлилик ва бошқа шу каби юксак ахлоқий сифатларга асосланган очик, самимий, беғараз, беминнат муносабатларни акс эттиради.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, бағрикенглик серқирра, айна пайтда, плюралистик феномен бўлиб, ўзаро диалектик боғлиқ бўлган жуда кўп намоён бўлиш шаклларига эга. Тоқат, сабр, тинчликсеварлик, муроса, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ишонч, ҳурмат, тушуниш, билиш, англашга интилиш ва бошқа шу каби ахлоқий фазилатлар ва онгли интилишлар шулар жумласидандир. Давлат ва жамият даражаларида намоён бўладиган бағрикенглик ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз. Хусусан, демократик давлатда ирқи, миллати, дини, тили, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа фарқловчи белгиларидан қатъий назар барча фукаролар учун қонун асосида тенг ҳуқуқ, мажбурият ва имкониятларни ҳуқуқий кафолатланади.

«Бағрикенглик» тушунчасининг мазмуни унинг мантиқий зидди бўлган «нобағрикенглик», яъни интолерантликнинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш орқали янада ойдинлашади. Зотан, маълумки, инсоният тарихи бағрикенглик (толерантлик) ва нобағрикенглик (интолерантлик) нинг жамият тараққиётининг барча босқичларига хос бўлиб келаётган ҳодисалар эканидан далолат беради. Бағрикенгликка зид бўлган

хулқ-атвор кўринишлари ва хатти-ҳаракатлар нобағрикенгликнинг шакллари ҳисобланади. Илмий адабиётда «интолерантлик» сўзи орқали ифода этиладиган **«нобағрикенглик» тушунчаси ижтимоий субъектлар ўртасидаги ҳурмат, тоқатлилик, муроса, тенглик, очиқлик, беғаразликка асосланган ўзаро муносабатларни салбий таъсир кўрсатадиган, уларни бузиш, барбод қилишга қаратилган хулқ-атвор кўринишлари, фаолият, хатти-ҳаракат ва қилмишлар ҳамда шундай характерга эга бўлган воқеа ва ҳодисаларни англатади.** Интолерантлик умумийлик сифатида «интолерант хулқ-атвор», «интолерант хатти-ҳаракат», «интолерант ҳодиса» ва ҳ.к. шу каби хусусий тушунчаларда ўз аксини топади. Шахс, ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф, халқ, давлат ва кишиларнинг бошқа турдаги уюшмалари интолерантликнинг объекти ва субъекти сифатида намоён бўладилар.

Нобағрикенглик натижаларининг диапазони жуда кенг бўлиб, булар – бошқача фикрлайдиган инсонларга нисбатан кўрс-қўпол муомалада бўлиш, уларни менсимаслик ёки эътиборсизликдан тортиб, то атайин, қасддан одам ўлдириш, этник қирғин ва ҳатто геноцид кўринишида ҳам намоён бўлади.

Интолерант муносабат пайдо бўлишининг икки асосий сабаблари мавжуд. Булар, биринчидан, тубан ахлоқий маданият, иккинчидан эса, субъектив манфаатларни мутлақлаштириш. Чунки ахлоқли киши – бағрикенг киши. Ахлоқий тарбиянинг паст даражада бўлиши ғаразгўйлик, носоғлом рақобатни йўлга қўйиш, душманлик каби ҳиссиётлар ва шунга монанд қилмишларга олиб келади.

Тарихий тажриба ва ҳозирги давр воқелиги халқларнинг ёнма-ён ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечиришлари учун ижтимоий бағрикенглик тамойилларини амалий кучга айлантиришдан бўлак самаралироқ йўл йўқ эканини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, «бағрикенглик маданияти» тушунчаси «тинчлик маданияти» тушунчаси билан мазмунан уйғундир.

Ҳозирда барча халқ ва миллатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, моддий ва маънавий маданиятининг тараққиёти умумиҷтимоий ўзаро тўлдирувчанлик ва ўзаро бойитишга асосланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, «маданиятларнинг бирлиги ва хилма-хиллиги» тамойили халқлар ва миллатлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликка асосида биргаликда ҳаёт кечиришнинг энг асосий шарти сифатида намоён бўлади.

Бобнинг **«Бағрикенгликнинг намоён бўлиш шакллари ва ижтимоий даражалари»** деб номланган иккинчи параграфида бағрикенглик жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳамда социал структуранинг ижтимоий субъектлар ўзаро таъсир ва алоқада бўладиган барча даражаларида намоён бўлишига доир масалалар таҳлил этилган. Бундай соҳа ва даражалар ўртасида мураккаб боғланишлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси биргаликда яхлит ижтимоий бағрикенглик манзарасини акс эттиради. Мавжуд адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳалар кесимида, инсон ва инсон, инсон ва ижтимоий гуруҳ (синф, қатлам), гуруҳлараро, инсон ва жамият, миллатлараро, халқаро, давлатлараро каби ижтимоий ўзаро таъсир

ва муносабатлар кесимларидаги бағрикенглик шакллари ва даражаларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий бағрикенгликнинг муҳим кўринишларидан бири – бу, **сиёсий бағрикенгликдир**. Мазкур тушунча ижтимоий фанлар тизимидаги янги атамалардан бири ҳисобланади. Сиёсий бағрикенглик сиёсий демократиянинг ажралмас атрибутив қисмларидан биридир. Зеро, у кишиларнинг давлат аҳамиятига молик масалалар юзасидан аниқ ва пухта ишлаб чиқилган қарашларини, соғлом сиёсий рақобат майдонида ўзини намоён қилишга қодир ижтимоий бирлашмаларнинг фаолиятини, фаол ижтимоий интеракцияни англатади.

Иқтисодий муносабатлар ирқи, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар аксарият инсонларни қамраб оладиган соҳалардан бири ҳисобланади ва ҳар қандай мазмун ва шаклдаги фарқ ва тафовутларни бўрттирмай, уларни иккинчи даражага сурган ҳолда ўзаро муносабатларга киришишга ундайдиган қудратга эга. Бундай ҳолат, ижтимоий бағрикенгликни мустаҳкамлашда иқтисодиётнинг улкан салоҳиятга эга эканини англатади. Мазкур фикрлар ижтимоий бағрикенгликнинг яна бир шакли – **иқтисодий бағрикенглик** ҳақидаги мулоҳазаларни илгари суришга етарли имкон беради. Ушбу тушунча иқтисодий манфаатлар учун ҳалол кураш олиб боришга қодир рақобатчиларнинг манфаатларига нисбатан тоқатли муносабатни англатади. Мазкур соҳада бағрикенгликнинг мавжудлиги, олий даражадаги миллий қонунчилик ҳамда соғлом рақобат иқтисодий тараққиёт, ишлаб чиқариш соҳаларида янги технологияларнинг ривожланиши, алоҳида индивид ҳамда ижтимоий гуруҳлар ташаббусларини рағбатлаштиришга хизмат қилади.

Илмий адабиётда гарчанд «**ҳуқуқий бағрикенглик**» ибораси атама сифатида тўлиқ расмийлашмаган ва кўп ишлатилмаса-да, мазкур икки феноменнинг ўзаро узвийлигига доир турли таҳлиллар ўз аксини топган. Уларнинг барчаси ҳуқуқ ва бағрикенглик диалектикасининг турли жиҳатларини асослаш учун зарур методологик ҳолатлар сифатида хизмат қилади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитида бағрикенгликнинг ҳуқуқий манбаи сифатида Асосий қонун – конституция намоён бўлади. Давлат конституциясида тегишли бандлар бағрикенглик ғояларини амалий татбиқ этишга имкон беради.

Диссертацияда ижтимоий бағрикенгликнинг **оила, таълим ва тарбия, маданиятлараро ўзаро таъсир** каби институционал асослари тадқиқ этилган. Жумладан, ўзаро тушуниш ва муҳаббатга асосланган оилавий муносабатлар, ўз навбатида, оила иттифоқи мустаҳкам бўлишининг кафолатларидан биридир. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, айнан оила кишиларда ҳурмат, меҳр-шафқат, ўзаро кўмак, ҳамфикрлилик, ҳамдардлик ва бошқа шу каби бағрикенглик фазилатлари шаклланадиган ва ривожланадиган бирламчи ижтимоий институтлардан ҳисобланади.

Тарбия таълим жараёни билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Мазкур икки омилнинг мураккаб бирлиги ва ўзаро тўлдирувчанлигига амал қилиш орқали инсонда юксак маънавий фазилатлар, ўзгалар ва бошқа инсонлар, уларнинг

гурухларига нисбатан ва умуман, борлиққа нисбатан эзгу ва бағрикенглик муносабатларни шакллантиришнинг муҳим шартидир. Бағрикенглик тарбиясини ҳам замонавий тарбия жараёнининг муҳим шакллари қаторида олиб қараш, мақсадга мувофиқ. Тарбиянинг бу тури табиий равишда бошқа тарбия турлари билан ўзаро таъсир ва алоқадорликда шаклланади ва уларнинг ўзаро уйғунлашуви оқибатида юзага келадиган ўзига хос симбиоз сифатида намоён бўлади.

Бобдаги «**Диний тоқатлилик ва бағрикенглик: уйғунлик ва ўзига хослик**» деб номланган учинчи параграфда диний тоқатлилик ва бағрикенглик ўртасидаги ўзаро муносабат билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Диний бағрикенглик қандай талқинга асосланмасин, у ижтимоий барқарорлик ва турли дин вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришларининг муҳим шартидир. Хусусан олиб қаралганда эса, диний бағрикенглик ўзга диний эътиқод соҳибларининг қадриятларини тан олиш ва ҳурмат қилишни англатади. Зеро, бефарқ муносабат кўп ҳолларда билмасликдан келиб чиқади ва тоқатсизликнинг турли кўринишларининг юзага келишига сабаб бўлади. Дарҳақиқат, ўзгалар ва бошқалар, уларнинг маданияти, шу жумладан, диний қадриятлари тўғрисида билимга эга бўлмаслик уларга нисбатан бефарқ, эътиборсиз ва тоқатсиз муносабатнинг шаклланиш эҳтимолини кучайтиради. Аксинча, кишилар ўзлари каби бошқаларнинг диний эътиқоди, улар муқаддас билган таълимотнинг асосий ғоя ва тамойиллари тўғрисида муайян даражада билимга эга бўлсалар, у ҳолда ўзаро умумий ва фарқли жиҳатлар борасида уларнинг тасаввурлари конкретлашади, ўзаро ўхшаш жиҳатларга алоҳида урғу бериб бориш орқали эса диний бағрикенглик қарор топиб, мустаҳкамланиб боради. Натижада, турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ижобий кайфият, қараш ва ёндашувлар учун қулай ижтимоий муҳит вужудга келади.

Турли таъриф ва тавсифларнинг танқидий таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, диний бағрикенгликни қуйидаги таърифлаш мақсадга мувофиқ: **Диний бағрикенглик – инсоннинг бошқа дин вакилларига нисбатан ҳурмат, эътибор, тоқатлилик ва хайрихоҳликка асосланган муносабатида намоён бўладиган ижтимоий бағрикенгликнинг муҳим шакллари билан бирidir.**

Динлар, хусусан, жаҳон динлари таълимотларидан ўрин олган фундаментал характерга эга маънавий-ахлоқий ғоя ва қарашларнинг таҳлилидан аён бўладигани, уларнинг барчаси учун «бошқалар сенга қандай муносабат кўрсатишларини истасанг, сен ҳам уларга нисбатан шундай муносабатни намоён қил» деган бағрикенглик ғояси умумий хусусият ҳисобланади.

Ижтимоий бағрикенгликнинг муҳим шакллари билан бири сифатида диний бағрикенглик диний тоқатлиликка нисбатан мазмунан кенг тушунча бўлиб, тўпловчи хусусиятга эга. Жумладан, у тоқатлилик билан биргаликда ҳурмат, эътибор, хайрихоҳлик каби моҳиятан бағрикенглик категорияларини ҳам ўз мазмунига сингдиради. Айни пайтда, диний тоқатлилик диний бағрикенг-

ликнинг муҳим белгиларидан бири сифатида чиқса-да, унинг ягона шarti бўла олмайди. Зеро, диний бағрикенгликни характерлайдиган ҳурмат, эътибор, хайрихоҳлик, тоқатлилик каби категорияларнинг ҳеч бири мутлак ўрин тутмайди, балки улар ўртасида ўзаро таъсир ва тақозо алоқалари амал қилади. Айни пайтда, диний бағрикенглик бошқа шаклдаги бағрикенглик муносабатларини белгилаб бериш хусусиятига эга. Шу маънода, диний бағрикенглик ўз таъсир кучи ва аҳамиятига кўра кенг спектрдаги ижтимоий муносабатларни қамраб олади ва жамият барқарорлигининг муҳим шартларидан бири сифатида чиқади.

Диний тоқатлилик энг умумий маънода ўз динининг ўрни ва аҳамиятини унутмаган ҳолда бошқа динларни тан олишда намоён бўлади. Диний ва дунёвий маданият элементларининг ўзаро самарали ассимиляцияси тоқатлилик ва бағрикенглик шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шarti сифатида чиқади. Диний бағрикенглик эришиш мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир. Шунинг учун ҳам бу муаммо тарихий тараққиётнинг барча босқичларидан долзарб ҳисобланади. Диний бағрикенглик воқе бўлиши кўп жиҳатдан унинг бошланғич бўғини бўлган диний тоқатлиликка боғлиқдир. Зеро, диний тоқатлилик ҳатто ўзаро айрим тушунмовчиликлар, эътиборсизликлар, антипатиялар ўз ўрнига эга бўлган шароитларда ҳам турли дин вакиллари ўртасидаги ўзаро диний қадриятлар, урф-одат ва анъаналар ҳамда турмуш тарзига нисбатан сабр ва бардошли муносабатларни ифода этади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Буддавийлик йўналишларида гуманистик ғоялар акс этишининг асосий хусусиятлари»** деб номланган. Унинг **«Буддавийликнинг пайдо бўлиши, йўналишлари ва ижтимоий-фалсафий асослари»** номли биринчи параграфида ушбу диннинг келиб чиқишига замин яратган ижтимоий-маданий ва ахлоқий омиллар аниқланган. Хусусан, буддавийлик диний таълимотини бағрикенглик маданиятини юксалтириш билан боғлиқ масалалар қаторида олиб қаралишига асос бўлиб хизмат қиладиган муҳим омиллардан бири, бу диннинг асосчиси – Будданинг аввал бошданок эзгулик, маърифат ва бағрикенглик тимсоли сифатида талқин этиб келинишидир. Зеро, ушбу дин тарафдорлари ўртасида қадим даврлардан буён Будда ҳайкалини тақдим қилиш борасида учта асосий ёндашув кенг тарқалган. Уларнинг биринчисига кўра, ҳайкалча шамлар билан безатилади ва бу ҳолат, яъни шамларнинг шуъласи дин асосчиси таълимотининг бамисоли жаҳолат оламига ёруғлиқ бахш этиш учун тарқатилаётганини рамзий ифодалайди. Иккинчи кўринишга мувофиқ, Будда ҳайкалчаи турли гуллар билан безатилади ва бу орқали оламнинг ўзгарувчан ва турфа хил эканига ишора қилинади. Муқаддас саналаган Будда ҳайкали учинчи ёндашувга кўра, хуш бўй ҳидлар билан таъминланган ҳолда тақдим этилади. Бунда тарқалаётган хуш бўйлар гўё Будда таълимотининг олам бўйлаб тарқалишини рамзий ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда Будда ҳайкали қаршисига меҳр-шафқат ва мурувват тимсоли ҳисобланган исталган предмет жойлаштириб қўйилади.

Буддавийликда инсонга нисбатан антропологик позициядан эмас, балки кўпроқ космологик нуқтаи назардан ёндашув устувор бўлиб, бунга кўра у илоҳий куч томонидан яратилган мавжудот сифатида эмас, балки чексиз коинотнинг бошқа мавжудотлар билан биргаликда ҳаёт кечирадиган зарраси, микрокосм ҳисобланади. Бу муҳим постулат буддавийлик дини бағрикенглик назариясининг бошланғич нуқтаси сифатида хизмат қилган.

Инсон ҳаётнинг бошқа шакллари билан узвий боғлиқ мавжудот бўлиб, мутлақ эмас, балки нисбий кадр-қиммат касб этади. Шу боис у ўзини умумий табиат ҳаёт тизимининг элементи сифатида англаб етиши зарур. Бундай концепция ҳаёт ва инсонга нисбатан ўзига хос экологик ёндашувни ёқлашга хизмат қилади ва ҳаётнинг исталган шаклларига нисбатан бирдек, баробар ҳамдардлик, дахлдорлик ҳиссини туйиб яшашга даъват этади.

Инсон ва унинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари борасида замонавий буддавийлик доирасидаги талқинга кўра, улар илоҳий ироданинг эмас, балки инсон ақли ва тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Шу маънода, уларга эришиш яқиний мақсад, воқеликка эришиш учун белгиловчи аҳамият касб этмайди. Буддавийликда инсон аввало ўзининг табиатини чуқур англаб олишга даъват этилади.

Буддавийлик ахлоқи – бу, ҳуқуқлар эмас, балки ҳамдардлик туйғусига асосланган мажбуриятларнинг ахлоқий тизимидир. Айни пайтда, бундай мажбуриятларни бажариш ялпи умумий характер касб этади, зеро, уларни тўлақонли амалга ошириш енгил кечадиган жараён эмас, деб ҳисобланади. Буддавийларнинг фикрича, бу борада давлат ташкилотлари ва халқаро тузилмалар ушбу мақсадга эришишда кўмаклашишлари зарур. Чунки инсон ҳуқуқлари айнан шундай ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар орқали намоён бўлади. Буддавийлик фалсафасидаги асосий масала – инсонни бу дунё қийноқ ва азобларидан халос бўлишига эришиш, олам билан унинг ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва тақозо ҳолатини бўрттириб кўрсатишдан иборат. Шу маънода, буддавийлик учун инсон, бу ижтимоий эмас, балки кўпроқ космологик мавжудот ва у ҳаёти мобайнида ўзининг айнан ушбу моҳиятини сайқаллаштириб бориши зарур.

Гарчанд, буддавийликда ахлоқий масалалар устувор ўрин тутса-да, мутлақ мазмундаги масъулият ва айбдорлик ҳисси ҳақида тушунчалар алоҳида ажратилмайди. Бундай ҳолатнинг сабаби сифатида мутахассислар мазкур дин ғояларида диний ва дунёвий ахлоқ ўртасида ҳам аниқ белгиланган чегаранинг йўқ эканини кўрсатадилар. Ахлоқий идеал сифатида юмшоқлик, яхшилик, юқори даражадаги қониқиш ҳисси каби умумий хусусиятга эга бўлган фазилатлардан келиб чиқадиган «ахинса», яъни атрофдаги мавжудотларга зиён етказмаслик тамойили намоён бўлади. Буддавийлик гносеологиясида билишнинг ақлий ва ҳиссий шакллари ўртасидаги фарқ ҳам аниқланмайди, балки кузатувчан тафаккур амалиётига юқори ўрин берилади. Бундай амалиёт (кўп ҳолларда медитация) натижасида ички ва ташқи қисмларга ажратмаган ҳолда борлиқнинг яхлитлигини тўлиқ идрок этиш ҳамда ўзини тўлиқ ўзига бахш этиш ҳолатига эришилади, деб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, тўлиқ қониққанлик ва ўзини ўзига тўлиқ

бахш этиш ҳолати, ички борлиқнинг мутлақ мустақиллиги кабиларга эришиш – буддавийлик таълимотининг асосий мақсадларидан бири, яъни хоҳиш-истаклардан халос бўлишнинг кафолати, шунингдек, қутулиш ва нирванага эришишнинг муҳим шартидир.

Атроф оламдан ажралмаган шахс ва борлиқни бутун оламни қамраб олган ўзига хос психологик жараён сифатида тан олиш каби тамойиллар буддавийлик ижтимоий онтологиясининг асосини ташкил этади. Борлиқнинг ижодий ибтидоси, якуний сабаби сифатида инсоннинг руҳий фаоллиги кўрсатилади. Бу фаоллик оламнинг ташкил бўлиши ва унинг барбод бўлишини белгилаб беради. Бу инсон «Мен»ининг кучли иродавий қарори бўлиб, ўзига хос маънавий-жисмоний яхлитликни акс эттиради.

Бундай таҳлил, бир томондан, буддавийлик таълимотида худо олий куч сифатида инсон ва олам учун имманент экани, бошқа томондан эса, ушбу диний тизимда яратувчи ва халоскорлик рамзи сифатида худо ғоясига зарурият мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосаларни чиқариш имконини беради. Бошқача айтганда, борлиқни тушуниш инсоният жамиятига нисбатан трансцендент ҳисобланган, шубҳасиз олий мавжудот ҳақида назарий қарашларга таянмайди. Шунга кўра, ушбу фалсафий тизимда илоҳийлик ва ноилоҳийлик, худо ва олам каби борлиққа нисбатан дуалистик қарашлар ҳам юзага келмаган.

«Буддавийлик ахлоқий доктринасининг устувор тамойиллари» деб номланган бобнинг иккинчи параграфида мазкур дин ахлоқий ғоялари тизимли таҳлил этилган. Буддавийлик динининг ахлоқий-норматив дастури хоҳиш ва истакларни енгиб ўтиш тамойилига асосланади. Инсоннинг дунёда ўзлигини намоён қилишининг кўп вариантлилигини чеклаш ва шу орқали инсон ҳиссиётларининг таъсирини сусайтириш учун буддавийлик ахлоқининг талаблари таъқиқловчи характер касб этади. Будда тарафдорларининг ахлоқий кодекси бешта асосий таъқиқлардан иборат. Булар, ўлдириш, ўғрилиқ қилиш, ёлғон сўзлаш, енгил табиат ҳаёт кечирish, маст қилувчи ҳар қандай моддани истеъмол қилиш каби таъқиқлардир.

Будда таълимоти инсонларни маънавий ўз-ўзини такомиллаштириш орқали ички низолардан фориғ бўлишга чақиради. Шунингдек, ушбу дин доирасида ахлоқнинг фақатгина амалий ифодалари аҳамият касб этади, зеро, амалий ахлоқ дунёвий ҳузур-ҳаловатга йўналган ҳиссиётлардан холи бўлган ҳолатни сақлаб қолишнинг оқилона йўли сифатида олиб қаралади. Буддавий киши меъёрдан ортиқ мулоқотдан ҳам ўзини чеклайди. Аксарият ҳолатларда ўзининг манфаатлари йўлида жимликни сақлаш ва ички диққатни тўплаш орқали маърифат олами, ғайритабиий олам сари йўл топишга даъват қилинади.

Буддавийликдаги асосий йўл-йўриқлардан бири – **барча тирик мавжудотларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш** тамойили ушбу таълимот **бағрикенглик анъаналарининг асосларидан биридир**. Хусусан, ушбу даъват эзгу ва ёвуз инсон ва ҳайвонларни ажратмаган ҳолда уларга бирдек хайрихоҳлик билан муносабат белгилашни назарда тутди. Буддавийликда инсон нафақат бошқа инсонларга нисбатан бағрикенг ва тоқатли муносабатда

бўлишга, балки айни пайтда табиат ва қолаверса барча тирик мавжудотларга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлишга чақирилади. Шу маънода, табиат ва жамиятга нисбатан ўта фаол, онгли, эътиборга асосланган ёндашув буддавийлик бағрикенглигининг муҳим тамойили сифатида чиқади.

Шунингдек, буддавийликда раҳмдиллик ва ҳамдардликни англатадиган «бадхичитта» тамойили ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу тамойил барча тирик мавжудотларни кутқариш ва уларга эзгулик улашишни тарғиб этишга қаратилган. Мазкур дин доирасидаги яна бир тамойил «метта» эса, кўзга кўринадиган ва кўз илғамас, катта ва кичик, туғилган ва туғилиши кутилаётган барча мавжудотларга нисбатан меҳр ва муҳаббат кўрсатишга, бошқанинг ҳаётига худди ўзининг ҳаётига бўлгани каби муносабат белгилашга чақиради. Ҳаёт кечириш иш-ҳаракат содир этиш демакдир. Ушбу тезис буддавийлик дини ахлоқининг бағрикенглик моҳиятининг ғоявий асосларидан биридир. Бунга кўра, инсон ўзи ва бошқаларга зарар ёки фойда келтириши мумкин. Шунинг учун, буддавийлик ахлоқий йўл-йўриқлари орасида инсоннинг ўзи ҳамда бошқа кишиларга зарар келтирмайдиган, балки уларнинг фойдасига қаратилган амалларни бажаришга доир тамойиллар катта ўрин эгаллайди.

Буддавийлик ахлоқий нормаларининг асосий жиҳатлари бешта кўрсатмада ўз аксини топган: 1. Тирик мавжудотларни ўлдирмаслик ва уларга зиён етказмаслик. Ушбу бош ахлоқий тамойилга уйғун бўлган фазилат, сифат, бу муҳаббатдир; 2. Ўзиники бўлмаган нарсаларни олмаслик. Бу тамойилга мувофиқ инсоний фазилат – марҳаматлиликдир; 3. Нотўғри жинсий ҳаёт кечиришдан сақланиш. Ушбу тамойилга эквивалент бўлган инсоний сифат – қоникқанлик; 4. Ёлғон сўзламаслик; 5. Соғлом тафаккур қилишдан оғдирувчи, маст ҳолатга олиб келадиган моддаларни (масалан, алкоголь, гиёҳвандлик моддалари ва ҳ.к.) истеъмол қилишдан воз кечиш. Ушбу тамойилга мувофиқ бўлган инсоний сифатлар – мулоҳазакорлик ёки онглилик.

Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни эътибор, ҳурмат, дўстлик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида бўлишига доир моҳиятан ижтимоий бағрикенгликка қаратилган теран фикр, кўрсатма ва ҳикматлар Будда ҳаёти фаолияти давридаёқ ушбу диний таълимотнинг асосларидан бирига айланган.

Буддавийлик ахлоқий доктринасида эзгу амаллардан келиб чиқадиган мукофот янгидан-янги ҳаётий имкониятларни яратувчи буюк кўмакчи сифатида талқин этилади. Эзгу хулқ-атвор эгаси бўлган инсон ҳар қандай ишга уринганда, бирон бир соҳада интилишлар қилган вақтида, у муваффақият ва омадга эришади. Хайрли амаллар хазинаси туфайли инсоннинг орзулари рўёбга чиқади. Ахлоқий мукофот буддавий кишига жамиятда ўз ўрнини топиш ва Нирванага эришиш йўлида зарур бўлган барча шарт-шароитларга эга бўлишини кафолатлайди.

Будданинг бахтли ва хотиржам ҳаёт кечириш, шунингдек, билимларни ва тушунишни ривожлантириш учун амалга ошириш зарур бўлган ўнта эзгу ахлоқий амалларни бажаришга даъват этгани ҳақида қайд этилган.

Жумладан, улар қуйидагилардан иборат: беғараз қурбонлик, эҳсонлар; ахлоқий хулқ-атвор; ақлнинг маданияти, ақлни ривожлантириш; ҳурмат ва эҳтиром; бошқа инсонларга ёрдам кўрсатиш; мукофот ва рағбатларни бошқа кишилар билан баҳам кўриш; бошқалар томонидан содир этилган эзгу хатти-ҳаракатлардан қувониш; дхаммани тарғиб этиш ва ўрганиш; дхаммани эшитиш; ўз қарашларини ислоҳ этиш.

Ушбу ўнта ахлоқий талаб, амалларни бажариш нафақат инсоннинг ўзи ва улар йўналган инсонларга, балки бошқа барча атрофдаги кишиларга ҳам фойдали бўлиши уқтирилади. Умуман олганда, буддавийликка кўра, ахлоқий хатти-ҳаракат инсон алоқага киришадиган барча кишиларга ижобий таъсир қилади.

Бобдаги **«Буддавийликдаги ижтимоий муносабатларга доир ғояларнинг бағрикенглик мазмуни»** деб номланган учинчи параграфда жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни барқарорлаштиришга доир буддавийлик ғоялари тизимли тадқиқ этилган.

Буддавийликда ҳам ижтимоий ҳаёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим йўл-йўриқлар, кўрсатма ва насиҳатлар тизими ўз аксини топган. Улар ижтимоий тизимнинг турли соҳалари, ўзаро муносабатларнинг турли даражаларига тааллуқли бўлиб, уларни тартибга солишга хизмат қиладиган аниқ қоидалардан иборат. Айни пайтда, бу борадаги кўрсатмалар ўзининг улкан бунёдкорлик ва бағрикенглик моҳияти билан ажралиб туради.

Буддавийликда роҳиблик йўлини танламаган инсонлар ибратли умр йўлдош ва ота-оналар бўлиб етишишлари зарур. Шундагина, улар билиш сари ҳаётий йўллари муносиб равишда босиб ўтиш ва яқинларининг марҳаматларига эришишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, манбаларда Будданинг эр ва хотиннинг оилада ва фарзандлар билан бўладиган мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатларига доир кўрсатмалари ўз ифодасини топган. Хусусан, **фарзанднинг ўз ота ва онаси билан ўзаро муносабатларидаги мажбуриятлари** сифатида қуйидагилар баён этилган: ота-онани қўллаб-қувватлаш; имконияти доирасида оилавий мажбуриятларни бажариб бориш; оилавий анъаналарни билиш ва уларни сақлаб қолиш; аجدодларига муносиб ҳаёт кечириш; вафот этган қариндошлари хотираларини ёд қилиш учун хайр-эҳсонлар бериш. **Ота-оналарнинг ўз фарзандларига нисбатан муносабатларида уларга қуйидаги мажбуриятлар** юклатилган: фарзандларни иллатлардан узоқ тутиш; уларни эзгу ахлоққа ўргатиш; уларни касб-ҳунарга ўргатиш; уларга оила қуришлари учун муносиб жуфт танлашга ёрдамлашиш; фурсати келган вақтда фарзандларга меросни топшириш. **Эрнинг ўз хотини билан муносабатларда қуйидаги бурчлари** ажратиб кўрсатилган: хотинига хушмуомалада бўлиш; ундан нафратланмаслик; хотинига хиёнат қилмаслик; унга зарур тегишли ваколатларни бериш; турли тақинчок ва зеб-зийнатларни совға қилиш. Ўз навбатида, **хотиннинг ўз эри олдидаги бурчлари** сифатида қуйидагилар саналган: оилада аёллик мажбуриятларини сидқидилдан бажариш; қариндошлар ва дўстларга нисбатан меҳмондўст бўлиш; эрига

вафодор бўлиш; эри олиб келган нарсаларни асраб-авайлаш; ўз мажбуриятларини бажаришда меҳнатсеварлик ва моҳирликни намоён этиш.

Буддавийлик динида никоҳ инсонга юклатиладиган бурч эмас, балки ижтимоий институт ҳисобланади. Шунга кўра, никоҳ ижтимоий шартнома кўринишларидан бири сифатида олиб қаралади ва кишилар томонидан шахсий фаровонлик ва бахт-саодат учун тузилади. Бу институт инсон наслини давом эттириш жараёнида тартиб ва уйғунликни қўллаб-қувватлаш ва шу жиҳати билан кишилик жамиятини ҳайвонлар олаmidан фарқланишига хизмат қилади. Айни пайтда, буддавийлик фалсафасида никоҳга нисбатан муносабат ўзининг либерал характери билан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз. Никоҳнинг бурч сифатидаги инсон масъулиятига юкланмагани, балки шахсий иш, деб қаралиши ҳам бунинг тасдиғидир. Буддавийлик тартиблари тизимида никоҳ қуриш, бўйдоқ яшаш ёки никоҳсиз ҳаёт кечиришга доир, шунингдек, оилалик кишилар учун ҳам фарзанд кўриш ёки фарзандларнинг сонини чеклаш билан боғлиқ кўрсатмалар ҳам ишлаб чиқилмаган. Бу борада ҳар бир инсонга мустақил ҳал этиш ҳуқуқи ва эркинлиги берилган.

Буддавийлик фалсафасидаги бағрикенглик жиҳатларидан яна бири шундаки, жамият барча бир-бири билан ўзаро боғланган ўргимчак тўрига қиёсланади. Инсонлар ўртасидаги ҳар қандай алоқа – бу инсон ўзини чин қалбдан гуруҳ ёки жамоанинг бошқа аъзоларини қўллаб-қувватлашга қаратилган иродасининг инъикосидир.

Оила, эр ва хотин ўртасидаги жинсий ва маънавий-ахлоқий ўзаро муносабат, ҳомиладорлик ҳолати, фарзанднинг дунёга келиши каби моҳиятан ижтимоий бағрикенглик соҳасининг муҳим йўналишлари бўйича буддавийлик таълимотида батафсил ишлаб чиқилган зарур кўрсатмалар, қатъий қоидалар, панд-насиҳат ва ўғитлар ўз аксини топган. Бу ўз навбатида, илк жаҳон динининг бағрикенг, гуманистик ва ахлоқий мазмунини янада яққолроқ намоён этади.

Буддавийликдаги ижтимоий бағрикенглик масалаларига бевосита дахлдор яна бир жиҳат – бу, оилада фарзанд тарбиясига доир ўғитлардир. Тарихан буддавийлик бир-биридан фарқ қилувчи турли йўналишлар доираларида ривожланиб келган бўлса-да, муайян ғоялар мажмуаси доимо уларнинг барчаси учун умумий хусусият касб этган. Хусусан, ушбу диний таълимотга доир адабиётларда ўз аксини топган Будданинг ота-она, фарзандлар, эр ва хотин, дўстлар ва устоз-муаллимларнинг ўзаро бир-бирларига нисбатан ахлоқий мажбуриятлари борасида аҳамиятга молик кўрсатмалари шулар жумласидандир. Будданинг таълимоти доирасида фарзандларнинг ўз ота-оналарига нисбатан ҳурмат ва меҳр кўрсатишларининг бешта воситаси илгари сурилган бўлиб, улар қуйидагилардир: уларни қўллаб-қувватлаш; уларга нисбатан белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажариш; оилавий ҳаёт ва анъаналарни қўллаб-қувватлаш ва сақлаш; ўзини мерос олишга муносиб ҳолда тутиш; ота-оналарга, ҳатто уларнинг ўлиmidан сўнг ҳам диний тухфалар келтириш.

Илк жаҳон динида аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ масалаларга доир қимматли кўрсатмалар ва панд-насиҳатлар

алоҳида ўринга эга. Буддавий учун оила, бу нафақат иттифок, балки аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурадиган кишиларнинг маънавий бирлигидир. Айнан, ўзаро ишонч, ҳамдардлик ва оиланинг фаровонлиги йўлидаги ҳамжихатлик буддавий оиласининг асосий тартиблари ҳисобланади.

Буддавийлик таълимотига кўра эркак ва аёл бир хил салоҳиятга эга, зеро, ақл, тафаккур шакл, ранг, хид ва мазага эга бўлмагани каби жинсга ҳам эга эмас. Эркак ва аёлнинг тафаккури бир хил даражада барча ҳодисалар, барча борлиқлар, барча бойликларни ўзида мужассам этган марказ ва чегарасиз маконга ўхшайди. Бироқ улар турли жинсдаги таналарда яраладиган ва бундай фарқ яққол кўзга ташланади ва эркак ҳамда аёл нафақат танаси, балки эҳтиёжлари, дунёқараши билан ҳам кўп ҳолларда ўзаро фарқланадилар.

Ушбу диний тизимда муҳаббат каби бағрикенглик фазилатига алоҳида муносабат мавжуд. Хусусан, муҳаббатни ҳар ким турлича тушуниши мумкинлиги эътироф этилади ва чинакам муҳаббат – бу, барча мавжудотларнинг бахтга эришишлари ва бахтли бўлиш учун сабабларга эга бўлишларига интилишдан иборат экани уқтирилади. Шартланган бахтнинг сабаби – фойдали хатти-ҳаракатлардир.

Сабаб-оқибат кесимида талқин этиш буддавийлик ахлоқий ғоялари ва амалиётига ҳам хосдир. Шу маънода таъкидлаш мумкинки, буддавийлик таълимотидаги ижтимоий бағрикенгликка доир ғоя, қараш ва тамойиллар ҳам энг аввало ушбу диннинг ахлоқий тамойилларидан келиб чиқади ва фалсафий нуқтаи назардан, табиийки, сабабий боғланиш, яъни детерминизм методологиясига таянади.

Тадқиқотнинг **«Христианлик дини маънавий-ахлоқий тамойилларининг бағрикенглик маданиятини ривожлантиришдаги ўрни»** деб номланган учинчи бобининг биринчи параграфида христианлик динининг ижтимоий-фалсафий асослари ва ахлоқий тамойиллари тадқиқ этилган. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда, христианлик таълимоти учта асосий ғояга асосланган. Булар: Одам ва Ҳаво томонидан содир этилган дастлабки гуноҳдан келиб чиққан инсон зотининг гуноҳкор табиати; ҳар бир инсон учун зарур бўлган халос бўлиш; Худо олдида барча инсонлар гуноҳларини ювиш. Бунга кўра, инсоният бу йўлга ўзида илоҳийлик ҳамда инсоний хусусиятларини мужассам этган Исо Масихнинг интилишлари ва ихтиёрий қурбон бўлиши туфайли эришган. Мазкур ғояларни амалга оширишга қаратилган доимий хатти-ҳаракатлар туфайли христианлик кўп асрлик ривожланиш жараёнида жаҳон динларининг бирига айланди.

Христианлик ахлоқий тизимида муҳаббат ғоясидан меҳр-мурувват каби эзгу ғоя ва амал келиб чиқади. Бундай фазилат ўзаро муносабатларда айбларни кечириш, мухтож кишиларга ҳамдард ва уларга ёрдам беришга тайёрликни англатади. Айнан шундай ёндашув орқали Инжилда ўз аксини топган «ахлоқийликнинг олтин қоидаси» пайдо бўлган: «Одамлар сизларга нима қилишларини истасангиз, сизлар ҳам уларга ўшани қилинглар....». Мазкур бош умумий ахлоқий қоида Инжилда ўз аксини топган христианликдаги «Худонинг ўнта амри», дея юритиладиган қатъий қоидалар

билан узвий боғлиқдир. Таъкидлаш керакки, бундай ўнта амр ўз моҳиятига кўра, ушбу диний таълимотнинг бағрикенглик мазмунини амалий ҳаёт орқали чуқурлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб фалсафий ва диншунослик фанлари доирасида христианлик таълимотининг фундаментал ғоялари аниқланган ва улар қуйидагилардан иборат: 1) Монотеизм; 2) Теоцентризм; 3) Креационизм; 4) Иймон; 5) Эзгу ирода; 6) Ахлоқий қонунни бажариш; 7) Виждон; 8) Муҳаббат; 9) Умид ва илоҳий тақдир; 10) Маънавият; 11) Символизм (рамзийлик).

Таҳлил замонавий шароитларда христианлик дини таълимоти ва амалиётида макон ва замонга мос бўлган ўзгаришлар кечаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, мазкур дин доирасидаги йирик йўналишлардан бири – католицизмда ижтимоий ҳаётга доир категориялар қайта кўриб чиқилмоқда ва янгиланмоқда. Хусусан, ушбу йўналиш ижтимоий-фалсафий парадигмасига «давр рамзлари», «диндор ҳуқуқлари», «ҳаёт сифати» ва бошқа шу каби тушунчалар расман киритилди. Умуман олганда, аксарият католик теологлари ахлоқий теология ва католик маънавиятини айнанлаштириш йўлини тутмоқдалар ва шундай ўзига хос синкрет ҳолатни замонавий черков ижтимоий таълимотининг муҳим элементи сифатида баҳоламоқдалар. Бинобарин, католицизм доктринасида христианлик қадриятлари контекстида ижтимоий тартибнинг регулятив ибтидоси сифатида намоён бўладиган муайян ижтимоий тамойиллар ажратиб кўрсатилган. Улар христианлик ижтимоий таълимотининг ядросини ташкил этиб, қадриятлар, кундалик хулқ-атвор ва христианлик идеали ўртасида жойлашган. Бундай тамойиллар қуйидагилардир: 1) Шахснинг давлат олдида, шахс эркинлигини унинг ижтимоий бурчи олдидаги имтиёзини тақозо этадиган **шахс тамойили**; 2) шахснинг бошқа шахслар ва ижтимоий тузилмалар билан ўзаро бирдамлигини англатадиган **бирдамлик тамойили**; 3) Хулқ-атворга йўналиш бахш этишга қодир **умумий манфаатдорлик тамойили**; 4) **Субсидиарлик тамойили**. Мазкур тамойил 1931 йил эълон қилинган энцикликада ўз аксини топган. Қуйи инстанцияларда амалга ошириш мумкин бўлган ишларни юқори инстанцияларга топширмаслик ушбу тамойилнинг асосий мазмунини ташкил этади. Айни пайтда, бунга мувофиқ шахснинг ўзининг муаммоларини ҳал этишга бевосита дахлдор экани назарда тутилади. Бошқача айтганда, мазкур тамойил шахс ва жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда номарказлашувни англатади.

Замонавий ижтимоий-маданий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларда православлик йўналишининг позицияси католицизмдаги ёндашувлардан бирмунча фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Жумладан, агарда Рус Православ Черкови (РПЧ) мисолида олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда, масалан, мазкур черковнинг демократик жамиятнинг муҳим шартларидан бири – виждон эркинлиги тамойилига нисбатан расмий муносабати очиқ эълон қилинганидан унчалик кўп вақт ўтмади. Аниқроғи, 2000 йилда «РПЧ ижтимоий концепциясининг асослари» деган ҳужжатда тамойил замонавий жамият дин «умумий иш» мақомини йўқотиб, тобора кишиларнинг «хусусий

иши»га айланиб бораётганига далил тарзида шарҳланган. Бошқача айтганда, РПЧ ушбу тамойил замирида маънавий қадриятлар тизимининг барҳам топиши, аҳолининг аксарият қисмида муқаддас бурч саналган қутулиш ғоясидан чекиниш каби ҳолатларни кўради.

Шундай бўлса-да, бағрикенглик контекстида олиб қаралганда, ижтимоий муаммоларнинг кўтарилиши ва уларни ечишнинг йўлларини излашга бўлган интилиш замонавий православ черкови фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб ҳисобланади. Бунда православ расмийлари асосан диний қадриятларга алоҳида урғу берадилар. Зеро, уларнинг фикрича, қадриятлар инсоннинг уникал маънавий оламига йўналган бўлади, улар ўта хусусий, бироқ айти пайтда умумий аҳамиятга ҳам моликдир. Христианлик қадриятларини «тирик ақл», юрак ёрдамида қабул қилиш зарур. Дунё қанчалик ўзгариб бормасин, инсонда ўз қалбида ахлоқий қадриятни сақлаб қолиш ва унга амал қилиш имкони доим мавжуд бўлади.

Бобдаги иккинчи параграфда **«Христианликда ижтимоий масалалар талқинининг бағрикенглик моҳияти»** билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Христианлик энг кенг тарқалган жаҳон дини ҳисобланади. Ер шари аҳолисининг учдан бир қисми ушбу дин доирасидаги турли конфессияларга эътиқод қилади. Бу фактнинг ўзи ҳам христианлик динининг ижтимоий-маданий салоҳиятини характерлайди. Хусусан, зўрлик, зўравонликка асосланган муносабат белгилаш ва хатти-ҳаракатларни содир этишдан тийилишга қаратилган ўғитлар мазкур диний таълимотдан кенг ўрин эгаллайди. Инжилда ўз аксини топган – «Қотиллик қилманг!» амри ушбу диндаги тоқатлилиқка доир бош ғоя ҳисобланади. Эски Аҳд ёзувларига кўра, зўрлик – бу, нафақат ёвуз куч, балки вайронкор фаоллик бўлиб, инсонлар бунинг учун жавобгар бўладилар. Шунингдек, христианликда зўравонлик ва унинг манбаларини бартараф этиш билан боғлиқ ҳаётий масалалар кенг ўрин эгаллаган. Масалан, «Лекин Мен сизларга айтаман: сизга ёмонлик қилган одамга қаршилиқ кўрсатманг. Агар кимдир ўнг чаккангизга урса, унга чапини ҳам тутинг ... душманларингизни яхши кўринглар. Сизларни қувғин қилганлар учун ибодат қилинглар ...» каби чақириқлар, шубҳасиз, ижтимоий бағрикенгликнинг тарихий, диний-фалсафий илдизлари бўлиб ҳисобланади.

Христианлик таълимотида барча инсонлар, шу жумладан, эркак ва аёллар ҳам ўзаро бир-бирларига нисбатан бағрикенг муносабатда бўлишга чақирилади. Бунга мувофиқ, мазкур динда аёл тенг аҳамиятли қалб эгаси бўлган худонинг бандаси сифатида эътироф этилади. Эркак ва аёлнинг қалби худонинг қаршисида яхлит ва бўлинмас моҳиятга эга. Шунга кўра, христианликда ижтимоий ҳаётда аёлларга нисбатан муносиб муносабатда бўлишга даъват этилади.

Христианлик дини нуқтаи назаридан олиб қараганда, аёл ва эркак худо томонидан яхлит бир бутунлик сифатида яратилган ва шунинг учун улар тенг аҳамият ва қимматга эга. «Эркак ва аёл яхлит инсоният борлигининг икки турли мавжуд бўлиш шакли» эканлиги тўғрисида илоҳиётчиларнинг билдирган фикрлари айнан шундай ғояга таянади. Христианликдаги турли конфессиялар доираларида тарихан аёллар билан боғлиқ масалаларнинг

талқинлари ўзаро фарқланиб келади. Бу борада католицизм таълимоти ва амалиёти инквизиция даврларида ўзини ўта негатив жиҳатдан намоён қилган бўлиб, аёл аввал бошдан ёвуз, зарарли куч, шайтоннинг хизматкори сифатида тавсифланган эди. Айни пайтда, православлик конфессиясининг позициясига кўра эса, аёл доимо ёрдамчи, дўст, халос бўлиш ишидаги фаол иштирокчи сифатида олиб қаралган.

Христианликда она-аёл алоҳида кадрга муносиб ҳисобланади. Буни ҳар бир черков ибодати маросимининг Она Худонинг васфи билан бошланиши ҳам тасдиқлайди. Маълумки, Биби Марям тимсолига католицизмда чуқур сиғинилади. Бундан ташқари, Инжилда онанинг оилада тутган ўрнига юксак мақом берилади. Хусусан, фарзандлар тарбиясида онанинг сўзи ва хатти-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани уқтирилади. Христианликда бошқа динларда бўлгани каби оила ва никоҳ муносабатларига доир устувор тамойиллар ҳам ўз аксини топган. Бунга кўра, никоҳ иттифоқи худонинг иродаси ҳисобланади ва қонун сифатида инсон борлигининг асосларидан бирини ташкил этади. Айни пайтда, эр ва хотиннинг бирлиги христианликда илоҳийлаштирилган ҳолда инсон ақли етмайдиган сир, деб ҳисобланади ва у Муқаддас Учлик сири каби экани уқтирилади.

Христианлик дини таълимоти ижтимоий бағрикенглик, шу жумладан, гендер муносабатлари, оила ва никоҳ алоқаларига дахлдор кўплаб қимматли ва таъсирчан ғояларни ўзида мужассам этган. Христианлик ўғитларида ўзаро ҳурмат, кўмак ва муҳаббатга асосланган оилавий муносабатларни қуриш зарурияти атрофлича далилланган. Инжил матнида катта ёшдаги инсонларга ғамхўрлик қилиш, заиф, ёрдамга мухтож ва етим кишиларни иззат қилишга доир кўплаб чақириқлар ўз аксини топган.

Христианлик динининг ахлоқий йўл-йўриқ ва кўрсатмаларининг аҳамияти Ўрта асрларга келиб айниқса кучайгани тарихдан яхши маълум. Зеро, у давр учун маънавий онгнинг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари ва ахлоқ билан ўзаро узвий боғлиқлиги хос бўлиб, бунда христиан илоҳиётчилиги фалсафий, диний, ахлоқий масалаларни бўлинмас яхлит мажмуа шаклида ўз таркибида бирлаштирган эди. Шундай ижтимоий-ахлоқий шарт-шароитларда христианлик доирасида «муҳаббат» ва «олий неъмат» кабилардан ташқари, «қилмиш», «хулқ-атвор», «меҳр-мурувват» ва «гуноҳ», «айб» ва «нуқсон» каби мазмунан бағрикенгликка доир масалалар билан уйғун бўлган тушунчалар расмийлаштирилди. Шунинг учун, ахлоқ, ахлоқийлик муаммоси моҳиятан мустақил билимлар соҳаси сифатида олиб қаралмас, анъанавий ахлоққа доир масалалар диний мазмун касб этган эди.

Бобдаги учинчи параграф **«Христианлик йўналишларидаги инсон кадри, ҳуқуқ ва эркинликларига доир замонавий қарашларнинг таҳлили»** деб номланган.

Инсон кадр-қиммати, шаъни, ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларга нисбатан муносабат, шунингдек, моҳиятига кўра бағрикенглик билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий воқеа ва ҳодисалар христианлик динидаги йирик конфессиялардан бири – католицизмда ўзига хос тарзда талқин этилади. Мутахассислар католицизм доирасида инсон ҳуқуқлари,

унинг инсонлараро муносабатлар ва жамиятда тутган ўрни борасидаги қатъий позиция кўп асрлар мобайнидаги мураккаб жараён натижаси ўлароқ шаклланган. XIX аср охирларига келиб католицизм руҳонийлари инсон ҳуқуқлари масаласини очиқ-ойдин муҳокама қилиш, улар билан боғлиқ асосий тезисларни теологик нуқтаи назардан асослашга тайёр эканликларини билдирганлар. Хусусан, 1963 йилда Рим Папаси Иоанн XXIII томонидан «Pacem in Terris», яъни «Ер юзида тинчлик» номли энциклика эълон қилинди ва у ҳақиқат, адолат, марҳаматлилик ва эркинликдаги тинчликнинг ўрнатилиши декларацияси, деб ҳам номланадиган бўлди.

Католиклар ҳужжатида яшаш ҳуқуқи инсоннинг бирламчи ҳуқуқи сифатида тавсифланган. Ўз навбатида, бу ҳуқуқ уни амалга оширишга имкон яратадиган бошқа қатор ҳуқуқларни келтириб чиқаради. Энцикликада инсоннинг динга эътиқод қилиш ҳуқуқига алоҳида урғу берилганлиги моҳият эътибори билан католицизмнинг кўп асрлик тарихида илк маротаба виждон эркинлигининг расман тан олиниши эди. Албатта, энцикликада инсон эрки, кадр-қиммати католицизм нуқтаи назаридан диний постулатлардан мустақил ижтимоий қадрият сифатида олиб қаралмайди. Шунинг учун ҳам ҳужжатда инсонни кадрлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлаш билан боғлиқ амалиёт диний арконларга асосланиши, юксак ахлоқий қадриятларни қарор топтиришга қаратилиши зарурлиги уқтирилган.

Таъкидлаш жоизки, протестантлик конфессиясига қиёсан олиб қаралганда католицизмга инсоннинг кадр-қимматини диний мазмунда тушуниш кўпроқ хос экани англонади. Шундай бўлса-да, католиклар инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликларининг либерал талқинини тўғридан-тўғри танқид остига олмайдилар, балки мазкур ёндашувни ахлоқий қадриятлар билан мазмунан бойитиш борасида тавсиялар бериш билан чекландилар. Хусусан, шундай маъно касб этган фикрлар Рим Папаси Иоанн Павел II чиқишларида кузатилгани қайд этилган. Рим Католик Черкови собиқ раҳбарининг фикрига кўра, ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ўзаро фарқлар улар ўртасида мавжуд бўлган умумий жиҳатлар ҳақидаги фактни инкор этмайди. Умумийлик энг аввало адолатга бўлган эҳтиёжда ва фундаментал характерга эга бўлган, халқаро эътироф этилган инсоннинг ажралмас ҳуқуқларининг баёнида намоён бўлади. Бироқ бу ҳуқуқларни антропологик мезонга кўра ҳамда уларнинг ахлоқий заминлари нуқтаи назаридан талқин этиш зарур. Акс ҳолда ҳуқуқларни амалга ошириш жараёни эгоистик интилишларни кўр-кўрона ҳимоя қилишга, бошқа инсонларни кадр-қимматини топташга бўлган уринишларни ёқлаб чиқиш каби номақбул хатти-ҳаракатларга айланиб кетиши мумкин.

Инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ масалаларга ҳуқуқий норма ва диний-ахлоқий нуқтаи назардан ёндашув христианликдаги яна бир йирик конфессия – **православликка** ҳам хос. Ушбу диний йўналишга доир назарий қарашлар ва амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, инсон ҳуқуқлари масаласининг икки томонлама, яъни юридик ва диний тавсифлаш инсон ва инсоний муносабатлар борасидаги барча муаммолар юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазаларда марказий ўрин тутди. Шундай бўлса-

да, католицизмдан фарқли ўлароқ православлик таълимоти ва амалиётига инсон ҳақидаги либерал қарашлар ва инсон ҳуқ-атворининг диний-ахлоқий қоидаларини бир-бирига қатъий равишда қарама-қарши қўйиш хосдир.

Рус православ черкови томонидан инсон ҳуқуларининг либерал ғояси ҳам консерватив руҳда талқин этилади. Бунга кўра, секулярлашув жараёни чуқурлашиб боргани сари инсон ҳуқуқлари худо билан алоқаси узилган тушунчага, шахс эркинлигини ҳимоя қилиш эса бебошликни муҳофаза қилишга айланиб бормокда. Фуқаролик ҳуқуқларига доир замонавий гуманистик концепция доирасида инсон худонинг тимсоли сифатида эмас, балки ўзига ўта ишонган, ўзига бино қўйган субъект сифатида талқин этилади. Бироқ худодан ташқарида фақат тубанликка юз тутган, христианлик идеалларидан узоқлашган кишилар мавжуд бўладилар. Айни пайтда, христианлик ҳуқуқий онгида эркинлик ва ҳуқуқ ғоялари худо, черков йўлида хизмат қилиш ғояси билан узвийдир.

Инсон ҳуқуқларини амалга ошириш диний эътиқод ва ахлоқий анъаналарнинг бостирилиши, диний ва миллий туйғуларнинг ҳақоратланиши, мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни келтириб чиқаришига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўйиб бўлмайди. Шунингдек, анъанавий ахлоққа зид бўлган ва барча тарихий динлар томонидан қораланган хатти-ҳаракат кўринишларини қонунлаштиришга қаратилган ҳуқуқларни ижод қилиш ҳам ўта хавфли экани православ дини жонкуярлари томонидан таъкидланган. Сирасини айтганда, православ черкови инсон, оила, жамоа ҳаёти ва черков амалиёти ҳақидаги диндорларнинг қарашларини динсизликка асосланган ғояларга буйсиндиришга уринишларни қатъий қоралайди. Бундай ҳолат, православлик конфессияда замонавий фуқаролик жамияти шароитида бағрикенгликнинг намоён бўлиш шаклларига нисбатан ўзига хос нуқтаи назар мавжудлигини таъкидлаш имконини беради.

Христианликнинг протестантлик йўналиши доирасида ҳам буддавийликда бўлгани сингари ушбу эътиқод шакли қоидалари ва инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ўртасида принципал зиддият мавжуд, деб ҳисобланмайди. Бироқ бу икки диний оқим ўртасидаги ўта юзаки, ташқи ўхшашлик бўлиб, улар ўз моҳиятларига кўра бир-биридан жиддий равишда фарқланадилар. Таъкидлаш жоизки, протестантлик оқими пайдо бўлган вақтларданок инсоннинг индивидуал ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ масалаларда ўзига хос позицияни эгаллайди. Айниқса, бу виждон эркинлиги борасида яққол намоён бўлган. Хусусан, протестантлар инсонлар томонидан христианликнинг исталган йўналишига эътиқод қилиш ҳуқуқларини тан олинишини ёқлаб чиққанлар. Бу билан боғлиқ равишда улар инсоннинг иқтисодий манфаатлари, хусусан, шахсий мулк дахлсизлиги, шартнома эркинлиги, фаолият тури танлови каби ҳуқуқларига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлиш тарафдори бўлганлар.

Сирасини айтганда, протестантизмга кўра инсон ҳуқуқларининг универсал характери уларни турли маданий ва диний анъаналарга мансуб бўлган инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ягона асоси сифатида намоён бўлишини таъминлайди. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки,

протестантизм таълимотида инсоннинг индивидуал ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг мажбуриятлар билан ўзаро муносабати каби масалалардаги бир ёқламалилик кўзга ташланса-да, умумий маънода инсон ҳуқуқлари феноменига марказий ўрин ажратилиши ва унинг ялпи умумий мазмунига алоҳида урғу берилиши мультимаданийлик шароитида ижтимоий бағрикенгликни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал этиш нуқтаи назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Ислом динида бағрикенглик анъаналари: ғоялар ва амалиёт»** деб номланган. Унинг биринчи параграфида ислом дини ғояларининг бағрикенглик моҳиятига доир масалалар тизимли тадқиқ этилган. Ислом бошқа динлар каби моҳиятига кўра эзгу, бағрикенглик динидир. Қуръон ва ҳадисларда энг аввало ахлоқий, инсонпарвар хатти-ҳаракатлар ва хулқ-атворга даъват этилади. Қон-қардошлик ришталари, меҳмондўстлик, ночор ва мухтожларга ёрдам бериш, кексаларни эъзозлаш, ота-онанинг ҳаққини адо этиш ва бошқа мазмунан бағрикенглик идеалларига мувофиқ бўлган ўзаро муносабатларнинг шакллари алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, раҳм-шафқат, марҳаматлилик юксак исломий қадриятлар саналади. Ислом дини аҳкомларига кўра кишида раҳмдиллик туйғуси бўлмаса, у чинакам мусулмон бўла олмайди. Агарда, мусулмон раҳмдил бўлса, у ҳолда бу фазилат унинг хулқ-атворида намоён бўлиши шарт. Қуръонга мувофиқ мусулмонларнинг ўзаро бир-бирига раҳмдиллиги ва ҳамдардлиги ўрнатилган даражасида бўлмоғи зарур.

Бошқа динларда бўлгани каби ислом динида ҳам мусулмонлар бағрикенглик хулқ-атвори, маданиятининг манбаи – ислом ахлоқидир. Ислом инсон ақлига йўналган, уни такомиллаштириш, маънавий ва жисмоний зиддиятларни бартараф этишга қаратилган рационал дин сифатида эътироф этилган. Ушбу дин ноаниқ, аморф элементлардан холи бўлиб, унинг ақидалари реал ҳаётдан узоқ, ахлоқ, эзгулик ва яратувчанлик хусусидаги фақатгина энг умумий қақириқлардан иборат эмас. Аксинча, ислом динининг мазмуни соғлом ақл мантиғига мувофиқ бўлиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида тенглик, адолат ва бағрикенгликни барқарор қилишга қаратилган йўл-йўриқлардан ташкил топган.

Қуръон сингари ҳадисларда ҳам инсонлар ўртасида эзгуликка асосланган, адолатли ва бағрикенг ўзаро муносабатларни шакллантиришга доир кўрсатмалар акс этган. «Кимки эзгу иш қилиш учун даъват қилса, эзгу амални бажарган киши каби савоб олади», деган ҳадис бунга мисоллардан биридир. Таъкидлаш жоизки, ҳадислар ижтимоий бағрикенглик ғояларини фақатгина ифода этишга эмас, балки уларга қатъий амал қилишга ҳам даъват этади. Сирасини айтганда, ҳадислар мусулмонлар диний маданиятининг асосларидан бири ҳисобланади. Улар жамият ҳаётининг барча асосий жабҳалари ҳамда кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олади. Ҳадислар муроса, ҳурмат, эҳтиром, тоқатлилик, тенглик каби муҳим инсоний сифатларни шакллантиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ислом дини ўзининг асосий

мазмунига тоқатлилиқ ва бағрикенглиқ ғояларини сингдирган диний-фалсафий таълимотдир. Айрим киши, гуруҳ ва оқимлар томонидан экстремистик ва қўпоровчиликка доир хатти-ҳаракатлар, воқеа ва ҳодисаларни ислом дини билан боғлаб шарҳлашга бўлган уринишлар мутлақо асоссиз ва ушбу диннинг эзгу моҳияти билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас.

Мусулмонлар томонидан ҳадисларнинг ёд олиниши, уларга амал қилиниши орқали ҳадисларнинг келажак авлодларга узатилиши (трансляцияси) ва умуман, ислом маданиятининг узвийлиги, бардавомлиги таъминланади. Шу маънода, ҳадислар мусулмонлар ҳаётида, бир томондан, уларнинг барча ижтимоий бирликлар билан ўзаро муносабатларида, иккинчи томондан эса, кундалиқ, меҳнат фаолиятида ўзига хос ахлоқий дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Бағрикенглиқ тамойиллари яққол акс этган ўзаро муносабат даражаларидан бири бўлган оилада фарзанд тарбияси, улар билан муомала қилиш маданияти борасида ҳам ислом таълимотида амалий қиммати юқори бўлган панд-насихатлар ўз ифодасини топган. Исломда боланинг тарбиясига ҳаётий масаласи сифатида қаралгани боис диний таълимотларда тарбия жараёнини фарзанд туғилишидан олдинроқ бошлашга тарғиб қилинади. Айни пайтда, фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олийжаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилар ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги қўпол муносабатлар, қўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради.

